Қазақстан Республикасы
Білім және ғылым министрінің
2016 жылғы 8 сәуірдегі
№ 266 бұйрығына 16-қосымша

Қазақстан Республикасы
Білім және ғылым министрінің
2013 жылғы 3 сәуірдегі
№ 115 бұйрығына 190-қосымша

Бастауыш білім беру деңгейінің 1 сыныбы үшін
«Сауат ашу» пәні бойынша үлгілік оқу бағдарламасы
(оқыту өзбек тілінде)

1. Тушунтириш хати

1. Қозоғистон Республикаси Ҳукуматининг 23 август 2012 йилги №1080 қарорига биноан тасдиқланган Давлат умуммажбурий таълим стандартига асосан, программа ижодий имкониятларни ривожлантириш ва тарбияли билим бериш, системалилик, дарс принциплари асосида тузилган.

2. Бошланғич таълим давлат қонунини ҳаётга тадбиқ этишда муҳим босқич ҳисобланади. Шундай экан, ҳар бир авлод олдида инсон яратган жамики бойликларни, билимларни ўрганиш, ўзлаштириш ва ривожлантириш вазифаси туради.

3. Бу вазифани амалга оширишнинг бирдан-бир йўли таълим тизимини тинмай такомиллаштириб бориш орқали ёш авлодни илм-фан асослари билан чуқур қуроллантиришдир. Зеро, илм олиш йўлидаги изланиш инсоннинг эътиқоди ва дунёқарашини шакллантиради, маънавий-ахлоқий камолот сари етаклайди. Шу билан бир қаторда оғзаки ва ёзма нутқ малакаларини шакллантиради, ўқувчиларда она тилига муҳаббат, тўғри гапиришга ўрганиш истагини тарбиялайди ва мустаҳкамлайди. Шу сабабли ҳам, фан дастури мазмунига алоҳида қаралиб, ўқув жараёнида қўлланиладиган турли усул ва воситалар мазкур мақсадга қаратилган тақдирдагина ўз ечимини топиши мумкин:

1) ҳар бир ўқувчининг ўзига хос хусусияти билан имкониятига қараб мустақил билим олишини ривожлантириш ва таққослашга ўргатиш;

2) ўқувчи олдига қўйган мақсадини тушуниб етиши, уни бажариш йўлларини аниқлаш, ўз-ўзини назорат қилиш каби малакаларни шакллантириш;

3) ўқувчининг шахсий сифати билан ижодийлигини ривожлантириш;

4) тайёр материал асосида эмас, балки ўз ишларини текшириш, камчилик ва ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўз-ўзини баҳолаш;

5) табақалаштирилган (дифференциал) топшириқлар орқали ўқувчининг билим савиясини ошириш;

6) ўқув жараёнини ташкил қилишда ўқувчиларнинг қобилияти, индивидуал ва психологик хусусиятларига ёндашиш: кўриш, эшитиш, ҳис этиш, таққослаш, фикр юритиш, якун чиқариш, таққослаш, фанга нисбатан қизиқувчанлик билан муносабатда бўлиш, инсонийлик, ватанпарварлик, меҳрибонлик, дўстлик, гуруҳ билан ҳамкорликда ишлаш, дўстлари билан ижобий муносабатда бўлиш.

4. Бу борада ўқувчиларнинг саводини замон талабига мос ҳолда ривожлантириш "Тил ва адабиёт" бўлими, "Савод ўргатиш" даври орқали амалга оширилиб, "Алифбе", "Савод таълими" дарсликлари асосида интеграллашган мазмунда ташкил қилинади.

5. "Савод ўргатиш" даврининг асосий мақсад ва вазифалари. Бу даврда ўқувчиларнинг ҳарф, товуш, бўғин, сўз ва гап ҳақидаги тушунчаларини шакллантириш, хат-савод ўргатишда дастлаб, ҳар боланинг товушни тўғри талаффуз этишини, уларни бир-биридан фарқлаши, ўрганишини таъминлаши зарур.

6. Дастур мазмуни фақат ўқувчининг билимига эмас, балки "Савод ўргатиш" таълимининг фаолият компонентига, амалий, ижодий ва мустақил фаолият усулларига таянган ҳолда фанга нисбатан қизиқувчанлигини уйғотиш ва ошириш (мотивация) амалга оширилади.

7. "Савод ўргатиш" фани таълимий дастурида 1-синф ўқув-тарбия жараёни олдига қўйилган ижтимоий талабларга асосланган ҳолда ўқувчилар эгаллашлари лозим бўлган билимлар, кўникмалар, малакаларга қўйиладиган талабларни белгилаб беради. Маълумки, 1-синфга келган болаларга хат-савод ўргатишда дастлаб, ҳар боланинг товушни тўғри талаффуз этишини, уларни бир-биридан фарқлашга ўрганишини таъминлаши зарур.

8."Савод ўргатиш" фани мазмуни 3 босқичли жараён орқали амалга оширилади: алифбегача бўлган давр, алифбе даври, алифбедан кейинги давр:

1) алифбегача бўлган даврнинг вазифалари: болалар камолотининг ҳал қилувчи босқичи, яъни саводхонлик даражаси амалга оширилади, ўқиш ва ёзишга ўргатиш, мантиқий тафаккур этишга, маънавий-маърифий ҳамда маданий хулқ-атвор малакаларини шакллантириш, луғат бойлигини кенгайтириш;

2) алифбе даври вазифалари: ўзбек алифбосидаги ҳарфлар (босма ва ёзма шакллари, бош ва кичик ҳарфлар) билан таништириш, ҳарфдан бўғин, бўғиндан сўз, сўздан гап тузиб ўқиш ва ёзишга тайёрлаш, оғзаки боғланишли нутқини ўстириш, нутқ маданияти устида ишлаш, сўз бойлигини ошириш ва нутқини ривожлантириш, ўқиш малакаси билан тўғри ёзиш кўникмасини шакллантириш;

3) алифбедан кейинги давр вазифалари: ўқиш (сўз ва гапни ифодали, тўғри, тушуниб) ва ёзиш (хатосиз, саводли, тоза, каллиграфия қоидаларига амал қилиш) малакаларини шакллантириш, тил бирликлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш, матнларни таҳлил қилиш, луғат бойлиги ва боғланишли нутқ устида ишлай олиши, мулоқот жараёнида эркин она тилидан фойдаланган ҳолда ўз фикрини билдириши.

9. Ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилиш борасида қуйидаги тамойилларга амал қилинади:

1) ёш хусусиятларини ҳисобга олиш;

2) оддийдан мураккабга қараб бориш;

3) кетма-кетлиликка амал қилиш;

4) фанлараро боғланиш;

5) шахсий йуналтирилганлик.

10. “Савод таълими” фани ҳафтасига 7 соатдан, жами 231 соатни ташкил қилиб, 3 босқичли жараён орқали амалга оширилади:

1) алифбегача бўлган давр – 21 соат;

2) алифбе даври – 91 соат;

3) алифбедан кейинги давр – 119 соат.

11. Фанлараро боғланиш “Савод таълими” фанининг мазмуни савод ўргатиш жараёни учун мустаҳкам замин яратади. Савод ўргатиш даври тарбия тизимидаги энг масъулиятли, яъни болалар камолотининг ҳал қилувчи босқичи – саводхонлик даражаси амалга оширилади, шунинг учун болаларни ўқиш ва ёзишга ўргатиш, мантиқий тафаккур, маънавий ва маданий хулқ-атвор малакаларини шакллантиришда қуйидаги фанлар билан боғланган;

12. “Дунётаниш”:

1) одам, табиат, жамият ҳақидаги билимларини кенгайтириш, инсон ва табиат ўртасидаги ўзаро боғланишни тушунтириш орқали ўқувчиларнинг қизиқувчанлигини орттириш;

2) теварак-атроф билан таништириш, табиатдаги ўзгаришлар билан воқеа-ҳодисалар ҳамда кузатишлари асосида луғат бойлигини кенгайтириш, оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантириш;

3) табиатни тасвирлаш, нарсаларни баҳолаш ва изоҳлаш каби билимларини шакллантириш.

13. “Тасвирий санъат”:

1) эстетик тарбия бериш;

2) берилган расмлар асосида гап тузиши ва ўз фикрини баён этиш орқали сўз бойлигини орттириш;

3) расм чизиш орқали қўл моторикасини ривожлантириб, ёзиш кўникма, малакаларини орттириш.

14. “Меҳнат таълими”:

1) меҳнат тарбияси орқали дўстлик, ўртоқлик, ҳамжиҳат бўлиб фаолият кўрсатиш;

2) жамоа бўлиб ўқиш, меҳнат қилиш, ҳар бир бола жамоанинг муносиб аъзоси эканлиги, ҳамда бурч ва масъулият ҳақидаги тушунчалар сингдириш;

3) касб-ҳунарга оид берилган матн, шеър, халқ оғзаки ижоди орқали ахлоқий сифатларни шакллантириш ва ривожлантириш.

15. “Мусиқа”:

1) эртак, афсоналарни ўқиш давомида уларнинг мазмунига мос мусиқий асарларни эшиттириш;

2) ўқувчиларни баъзи товушларни тўғри талаффуз қилишга ўргатиш мақсадида болалар қўшиқларини тинглатиш ва куйлатиш.

16. «Жисмоний тарбия»:

1) тана тузилишининг тўғри ривожланиши учун машқлар бажариш;

2) дам олиш дақиқаларини ўтказиш;

3) турли ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш.

2. 1-синф учун ўқув фанининг билим мазмуни

17. 1-синф. Жами - 231 соат (ҳафтасига 7 соатдан):

1) алифбегача бўлган давр – 14 соат. Савод ўргатишнинг тайёргарлик даври болаларнинг кўриш, эшитиш, идрок этиш, хотирлаш каби фаолиятларини ривожлантиради. Шунингдек, бу даврда болалар мактабда фаолият кўрсатишга ўргатилади ва ўз-ўзини бошқара олишга одатлантирилади. Тайёргарлик даврида синф жамоасини ташкил этиш, уларда дўстлик ва ўртоқликни қадрлаш, синф ва мактабда ўзини яхши тутиш, одоб-ахлоқ қоидаларга амал қилиш, энг муҳими болаларда дастлабки ўқишни ўрганишга ҳавас уйғотишдир;

2) бу даврда қуйидаги бўлимлар юзасидан ишлар амалга оширилади. Асосий нутқ бирлиги. Нутқ. Оғзаки нутқ. Нутқнинг аҳамияти. Сўз. Гап. Гапни сўзларга ажратиш. Бўғин, урғу. Товуш, ҳарф;

3) нутқ фаолияти турлари: Эшитиш, Сўзлаш, Ўқишга тайёрлаш, Ёзувга тайёрлаш;

4) хат-саводга ўргатиш даври Алифбегача бўлган давр жараёнида гап, сўз, бўғин, товуш, ҳарф ҳақида тушунча бериш. Дарсликда берилган махсус шартли белгилар асосида гап тузиш, шартли белгилар асосида сўзларни топиш, бўғин ва товушларни ажратиш, расмлар орқали нутқни ўстириш;

5) ёзувга тайёргарлик даври. Ёзувга тайёргарлик даврида болалар ёзишга руҳан тайёрланади. Ўқув қуроллари билан таништириш, дафтар чизиқлари ва уларнинг оралиқлари ҳақида тушунча, қўл мускулларини ҳаракатлантириш, ҳавода ёзишга ўргатиш, кўриш, чамалаш, таққослаш, хотира, диққат, ирода каби психологик жараёнларни тарбиялаш, дафтарни ушлаш ҳолатини тушунтириш ва ҳарфларни тўғри жойлаштириш, тўғри, илмоқли ва тўлқинли чизиқлар чизиш.

18. Алифбе даври – 98 соат:

1) алифбе даврининг асосий вазифаси болаларнинг оғзаки нутқини ўстириш, товуш талаффузини яхшилаш, ўзбек тили алифбосидаги ҳарфий ва имловий белгиларни ўргатишдан иборатдир. Савод ўргатишда таҳлил – таркиб асосида товуш усулида иш олиб борилади. Алифбе даврида товуш-ҳарфларни ўргатишда алфавит тартибида эмас, балки товушлар талаффузининг осон-қийинлиги ҳамда бўғин ва сўзларнинг соддалиги, ҳарф шаклининг қулайлиги ҳисобга олинади;

2) алифбо китобида берилган расмларда тасвирланган воқеаларни мазмунан аниқ, тўғри ва ифодали сўзлаб бериш ва бунда тасвирий воситалардан унумли фойдаланиш малакалари ҳосил қилинади. Бу жараён амалий машғулотлар орқали рўёбга чиқарилади. Гап, сўз, бўғин, товуш ҳақида тушунча берилади, унли ва ундош товушларнинг талаффузи юзасидан машқ қилиб, бир-биридан фарқлаш, унли, лабланмаган унлилар И, Е, А, лабланган

унлилар О, У, Ў билан таништириш, жарангли ва жарангсиз товушлар, кесма ҳарфлар билан ишлаш, сўзларни тўғри ёзиш ва ҳуснихатга риоя қилиш, гапни бош ҳарф билан бошлаш, тиниш белгилари ҳақида тушунча бериш, бўғин тузиш, бўғинлардан сўзлар тузиш, сўзлардан гаплар тузиш ва қўшиб ўқиш, сўзлардан кичик матн тузиш, ҳарфларнинг кичик ва катта шакли билан таништириб борилади, ўқувчиларда талаффуз қоидаларига риоя қилган ҳолда онгли ва ифодали ўқиш малакаси шакллантирилади, сўз устида ишлаш, сўз бойлигини ошириш ва нутқни ривожлантириш, нарса-буюмнинг номи, ҳаракати, белгисига қараб сўзларни ажратиш, қарама-қарши маъноли ва маънодош сўзларни фарқлаш, унли товушларнинг бўғин ҳосил қилиши, кетма-кет келган бир хил ундошли сўзлар, айтиш ва ёзилишида фарқ қиладиган ҳарфларни ажратиш ва ёзилишига эътибор бериш, ўзбек тилида урғунинг охирги бўғинга тушиши, гапнинг тугалланган мазмунга эга бўлиши, гап охирида нуқта қўйилиши, таянч сўзлар орқали гаплар тузиш, матн, гап ва матн устида ишлаш, матнга сарлавҳа қўйиш, матндаги мураккаб жумлаларни бўғинга бўлиб сўзма-сўз ўқиш, матнлар асосида диалог тузиш, ўқилганлар асосида саволларга жавоб бериш, қайта ҳикоя қилиш, расм асосида ҳикоя тузиш, эртакларни ўқиш, эшитиш, асарлар юзасидан берилган саволларга жавоб бериш. Ёзув зишга қўйилган талабларни ўзлаштириш (гавдани тўғри тутиш, тўғри ўтириш, дафтарни тўғри қўйиш, қаламни тўғри ушлаш), бармоқ майда пайларини ривожлантириб бориш, дафтар бетидан тўғри фойдаланиш: сатр чизиғи билан катта йўлни ажрата олиш, ҳарфларни сатр чизиғига тўғри жойлаштириб ёзиш, сўзларни тўғри ёзиш ва ҳуснихатга риоя қилиш, гапни бош ҳарф билан бошлаш, тиниш белгилари (нуқта, вергул, сўроқ) ҳақида тушунча бериш, сўз ва бўғин жадвалларини тузиш, босма шаклда берилган гапларни ёзма шаклда кўчириш. Айтиб туриш орқали ёзишга ўргатиш.

19. Алифбедан кейинги давр – 119 соат:

1) матнларни таҳлил қилишда луғат бойлиги ва боғланишли нутқлар устида ишлаш: ўқиганни сўзлаш, матн мазмунига кўра саволлар қўйиш, матнга ижодий ёндашиш, ўзгартириш; қўшимча қилиш, сўзларнинг ифодалилигига эътибор бериш, диалог, матнларни бўлакларга бўлиб ўқиш;

2) ёзув асосий тил бирлиги ҳақида тушунчага эга бўлиш (товуш, ҳарф, сўз, бўғин, гап, матн). Унли ва ундош ҳарфлар. Урғу. Ундош ҳарфлар ва товушлар. Жуфт, жарангли, жарангсиз ундош товушлар. Нарса-буюмларнинг номини, ҳаракатини, белгисини, сонини билиш;

3) орфографик қоидаларига амал қилган ҳолда ёзиш, юмшатиш ва айириш белгисини тўғри қўллаш, қўшимчаларни тўғри ишлатишни ўргатиш малакаси шакллантирилади, тиниш белгиларининг тўғри қўлланилиши ўргатилади;

4) тил ва нутқ. Тил ва нутқ ҳақида умумий маълумот бериш. Тил одамларнинг ўзаро алоқа воситаси эканлиги.

20. Товуш ва ҳарф унли ва ундош ҳарфлар, унли товушлар бўғин ҳосил қилиши, ундош товушларнинг жарангли ва жарангсиз бўлиши, уларнинг имлоси (б-п, д-т, ш-ж, ва х.о.), унли ҳарфларнинг талаффузи ва имлоси, рус тилидан кирган сўзлардаги о (ў) ҳарфининг имлоси, э товуши сўз бошида, ўртасида ва охирида келганда ўқилиши ва ёзилиши, икки товушдан иборат е, ё,

ю, я ҳарфларининг талаффузи ва имлоси, нуқталар ўрнига унли ҳарфларни тўғри қўйиб ўқиш ва ёзиш, кетма-кет келган ундошларни бўғинга ажратиб ёзиш.

21. алфавит. Алфавитдаги ҳарфлар ва уларнинг маълум тартиб билан жойлашиши, алфавитни ёддан билиш (босма ва ёзма шаклини ажратиш), бўғин. Сўзларни бўғинга ажрата олиш, унлиларнинг бўғин ҳосил қилиши, сўзларнинг сатрдан-сатрга кўчирилиши, ёлғиз ҳарфнинг сатр охирида қолдирилмаслиги ёки иккинчи сатрга кўчирилмаслиги.

35. Бош ҳарф билан ёзиладиган сўзлар:

1) гап ҳақида тушунча. Гапларнинг мазмунига кўра турлари;

2) гапнинг бошидаги сўзни бош ҳарф билан ёзилиши;

3) ёзувда ган охирига нуқта (.), сўроқ (?) ва ундов (!) белгиларини қўйиш;

4) ёзувда товушлар ҳарфлар билан ифодаланиши.

36. Сўз.

1) сўзларнинг нарса-буюм номи, ҳаракати, ранги, мазаси, шакли, сони каби хусусиятларини ифодалаш;

2) сўзларга тўғри савол қўйиш (ким?, нима?, кимлар?, нималар?, нима қилди?, нима қиляпти?, нима қилмоқчи?, қандай?, қанақа?, қанча?, неча?, нечанчи?);

3) Нутқ ўстириш учун ҳикматлар, мақоллар, тез айтишлар, топишмоқлар, эртаклар.

3. Ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар

37. Фанни ўқитишдан кутиладиган натижалар билиши зарур:

1) ҳарф ва товушларни фарқлай билишни (унли ва ундош, жарангли ва жарангсиз), ҳарфларнинг классификацияси ва уларни фонетик таҳлил қила олишни;

2) сўздаги товушлар сонини билади, унли ва ундош товушларни ранглар орқали (кўк – ундош, қизил – унли) ажрата олишни;

3) тилнинг (оғзаки ва ёзма нутқнинг) асосий бирликлари ҳақида содда тушунчаларни: нутқ–гап–сўз, бўғин–товуш–ҳарф ҳақида содда тушунчани;

4) ўзбек алифбосидаги барча товушлар ва ҳарфларни;

5) ҳарфларни (босма ва ёзма турларини, бош ҳарф ва кичик ҳарфни) фарқлашни;

6) бош ҳарф билан ёзиладиган сўзларни (кишиларнинг исми-фамилияси, шаҳар, қишлоқ, дарё, кўл, кўча номлари, ҳайвонларга қўйиладиган номлар);

7) матндаги берилган таянч сўзлар, расмлар орқали гаплар тузишни;

8) сўз ва бўғинларни тўғри тузиш ва ёзишни: та-да, ча-жа, ша-са, фа-па, па-ка, ва-фа, ба-па;

9) сатрдан-сатрга кўчиришга бўладиган ҳолларни;

10) гапнинг бош ҳарф билан ёзилишини;

11) гап охирида қўйиладиган тиниш белгиларини;

12) гапнинг, сўзнинг, бўғиннинг, унли ва ундош товушларининг график белгиланишини;

13) а ва о, у ва ў, и ва й, х ва ҳ товушлари ва ҳарфлари ҳамда уларнинг имлосини;

14) икки товушни билдирадиган ҳарфлар (й, ё, я, ю) қатнашган сўзларни тўғри ёза олишни;

15) сўзни, гапни, матнни тинглашни, сўзнинг маъносини, гап ва матннинг мазмунини тушунади;

16) сўздаги товушларни тўғри эшитиш ва фарқлашни, уларни тўғри талаффуз қилишни;

17) берилган саволни диққат билан тинглай олишни ва унга тўғри жавоб беришни;

18) эшитганини ёки ўқиганини тушуниши ва мазмунини айтиб бериш;

19) нутқ маданиятида қўлланиладиган сўзларни (саломлашиш, хайрлашиш, кечирим сўраш) қўллай олишни;

20) матн юзасидан савол беришни ва саволларга жавоб беришни;

21) ўқилган матн мазмунини таҳлил қилишни;

22) суҳбат, диалог, дидактик ўйинларда иштирок этишни;

23) 1-2 куплет (4 сатрдан иборат) кичик шеърни, топишмоқ, тез айтишларни ёддан айтишни.

38. Ўзлаштириши керак:

39. Ўқиши бўйича:

1) кичик ҳажмдаги матнларни тушуниб, ифодали ўқишни;

2) овоз чиқариб ва ичида ўқишни;

3) сўзларни бўғинлаб ўқишни, йил сўнгида равон ўқишни;

4) сўзларни равон ва тушуниб ўқишни (ўқув йилининг охирида минутига 30-40 сўздан);

5) овоз оҳанги ва ўқиш мазмунини сақлаган ҳолда гапларни (матнни) ифодали ўқишни;

6) ўқиш тезлигини йил охирига қадар орттириб, тез ва тушуниб ўқишни;

7) матн мазмуни бўйича саволларга жавоб беришни, мазмунини сўзлашни;

8) мавзу бўйича уч-беш гапдан иборат матн тузишни.

40. Ёзиши бўйича:

1) товушларни ҳарфлар билан тўғри белгилашни;

2) ўзбек алифбосидаги барча ҳарфларни (босма ва ёзма, бош ҳарфлар ва кичик ҳарфлар) ҳуснихат нормасига мос ёзишни, уларни сўз ичида бир-бирига тўғри улашни;

3) ёзма ва босма турда берилган матнларни (10-15 гапдан ортиқ бўлмаган), гапларни (3-4 сўздан иборат), сўзларни (10 сўздан ортиқ бўлмаган) тўғри кўчириб ёзишни;

4) гапни тўғри ёзишни (гапни бош ҳарф билан ёзиш ва гап охирида мос тиниш белгисини қўйиш);

5) сўзларни (5-6 сўз) ва гапларни (2-3 гап) эшитиб ёзишни;

6) ёзиш давомида баъзи орфографик қоидаларни (сўзларни бўғинга кўчириш; кишиларнинг исми, фамилияси, шаҳар, қишлоқ, дарё, кўл, кўча номлари, ҳайвонларга қўйиладиган номларни бош ҳарф билан ёзиш) қўллашни.

41. Шахсий натижалар кўрсатиши керак:

1) Қозоғистон Республикасининг давлат рамзларига бўлган (герб, байроқ, мадҳия) ҳурматида, давлат мадҳиясини билишда;

2) ватанга бўлган муҳаббатида, она ернинг табиатини сақлашга ва ҳимоя қилишга бўлган интилишида;

3) жамоа бўлиб ўқиш, меҳнат қилиш, ҳар бир бола жамоанинг муносиб аъзоси эканлиги, ҳамда бурч ва масъулиятни ҳис этишида;

4) меҳнат ва ўқишга бўлган масъулиятни сақлашида, катталарни ҳурмат қилиб, кичикларга нисбатан ғамхўр бўлишида.

42. Изчил-фаолият натижалари:

1) товушлар ва ҳарфлар тизими, товушларнинг (унли, ундош, жарангли, жарангсиз) турларини ўзлаштирганлигида;

2) бўғин, сўз, гапни билишда;

3) бўғиндан сўз, сўздан гаплар туза олишда;

4) сўзларнинг маълум бир маънони билдиришини ва маълум бир вазифани (нарсанинг номини, ҳаракатини, ранг-тусини, мазасини, ҳиди каби белгиларини билдиришини) бажаришини билишида;

5) гапнинг бош ҳарф билан бошланиб, охрига тиниш белгисини қўя билишида;

6) бош ҳарф билан ёзиладиган сўзлар, бўғин кўчириш ва х, к тўғрисида олган содда тушунчаларни ўқиш ва ёзиш давомида тўғри фойдалана олишида ҳамда сўзларни товуш-бўғин бўйича содда таҳлил қила олишида;

7) ўқиган турли ахборотларни тўғри қабул қилишида ва тўғри тушинишида, зарур ҳолларда ёдига тушириб, қўллай олишида;

8) равон, тушуниб ва ифодали ўқиш кўникмасида;

9) нутқ маданиятига риоя қилган ҳолда суҳбатда бўлишида;

10) тўғри, хатосиз, саводли ҳамда чиройли ёза билишида;

11) оғзаки ва ёзма нутқнинг ривожланишида, фикрини аниқ, тушунарли, тўлиқ еткиза олишида;

12) ижодий ишларга қизиқувчанлигида, таҳлил қилиш, умумлаштириш, хулоса ясай олишида.